


Инсон ва қонун

2022 йил 22 февраль
сешанба
№ 07 (1315)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan

- Энг сўнгги хабарлар
- Хўшқўй маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар




**АДЛИЯ:
“ИШОНЧ
ТЕЛЕФОНИ”
ЖАВОБ
БЕРАДИ**

5-БЕТ

Қозилар учун қўлланма

ҚОЗИЛИК учун асосий дастур бўлиб келаётган бир тарихий ҳужжат бор. Бу ҳужжат “Умар ибн Ҳаттобнинг Абул Мусо Ашъарийга мактуби” дея номланган ва шу ном билан машҳур. Умар розияллоху анҳунинг халифалик даврида Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳу вилоятлардан бирида қози бўлган ва Умар розияллоху анҳу Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳуга ушбу машҳур мактубни юборган.



7-БЕТ

ТАФАККУРНИНГ, маънавият, ахлоқ ва тарбиянинг қуроли сифатида севиб мутолаа қилишимиз керак бўлган китоб, босма оммавий ахборот воситаларидан анча узоқлашганимизни бир касаллик деб баҳолайдиган бўлсак, бу дарднинг оғир асоратлари бугун яққол кўринаётганлигини тан олмай иложимиз йўқ:



ЕМИРИЛИШ

**Китобсизлик касали —
давосиз дард...ми?!**

2-БЕТ

ТАФАККУРНИНГ, маънавият, ахлоқ ва тарбиянинг қуроли сифатида севиб мутолаа қилишимиз керак бўлган китоб, босма оммавий ахборот воситаларидан анча узоқлашганимизни бир касаллик деб баҳолайдиган бўлсак, бу дарднинг оғир асоратлари бугун яққол кўринаётганлигини тан олмай иложимиз йўқ:



ЕМИРИЛИШ

Китобсизлик касали — давосиз дард...ми?!

Кўлини хоҳлаган жойга узатса етадиган амалдорнинг қизи тўртта жумлани ёзганида бешта хато қилиб, отасининг “юксак” обрўсига путур етказса, бутун жамоатчиликка кулгу ва калака бўлса... Сабабини китоб ўқимасликдан ахтаринг! (Агар китоб ўқиганида эди, ҳеч бўлмаса тўғри ёзишни ўрганган бўларди).

Ҳазрат Навоий номи билан аталган шаҳардаги айрим мактабча таълим муассасалари тарбиячилари Алишер Навоийни билмаса, буюк мутафаккир асарларини ўқимаган бўлса, демак, тарбиянинг қуроли косовдан, деб тасаввур қилаверинг...

“Мен доим жаннат кутубхонага ўхшаган жой бўлса керак, деб ўйлайман” — дейди Жорж Луис Борхес. “Саводли бўлатуриб китоб ўқимаган кишининг саводсиздан фарқи йўқ”, — деган экан Марк Твен. Жон Баюр эса, “Бувимнинг айтишича, Худо китобни одамлар хато қилиб, афсус чекмасликлари учун туҳфа қилган, — деб таъкидлайди. Булар эса қалбимизга китобнинг иссиқ меҳрини жойлашга қодир ҳикматлар.

“ИЛТИМОС, КИТОБ ЎҚИДИГАНЛАРГА ЖОЙ БЕРИНГ...”

Бу Озарбайжон пойтахти — дунёдаги маданият ва маърифат марказларидан бири ҳисобланган гўзал Боку шаҳридаги қулоғимизга эшитилган энг самимий, энг ёқимли эслатма ва ундов эди. Бокуда соҳил бўйидаги хиёбонда очик кутубхоналар борлигини биласизми?

Каспий денгизи соҳилидаги сўлим хиёбонда очилган очик кутубхонадан кўчадаги скамейкаларда ўтириб, бемалол фойдаланишингиз мумкин. Шунинг учун ҳам китобхоналарга хизмат кўрсатадиган ходим хиёбон ўриндиқларини шунчаки банд қилганларга: “Илтимос, китоб ўқидиганларга жой беринг”, деб эслатиб туради.

“МАЪРИФАТ БЕКАТИ” МУХИММИ ЁКИ МАРГАРИН?..

Бизда ҳам яхши ташаббуслар бор эди. Навоий шаҳридаги Ислон Каримов номидаги шох кўчада бундан икки-уч йил аввал автобуслар тўхтаб бекатида Республикаимизда биринчи “Маърифат

Ҳокимлару катта-катта ташкилот раҳбарлари ўзлари ўқиган мактабларга ўзлари ўқимаган китобни совға қилса, билинги, миллатни ичидан емирилишга бошлаётган “қудратли тўлқин” шу...

Миллатимиз эртаси бўлган ёшлар Абдулла Қодирий билан Абдулла Қаҳҳордек буюк ёзувчиларимизнинг кимлигини англамаса, асарини эмас, ҳатто шахсини фарқолмай адаштира, ўтмиш ва келажакнинг барбод бўлгани шу...

Буларнинг барчаси китобсизлик касалининг симптомлари, китоб атрофидаги ташвишли оҳанглар.

бекати” очилиб, катта китоб дўкони иш бошлаганида ҳаммамиз роса хурсанд бўлганмиз. Ҳар гал “Маърифат бекати”даги дўкондан китоб сотиб олганимизда ўзимни бахтиёр ҳис қилардим, бу бекат билан фахрланиб юрардим. Яқинда Навоийга бориб китоб харид қилмоқчи бўлсам, “Маърифат бекати” йўқ. Бу китоб дўкони ўрнини озиқ-овқат ва яна брустчатка ва плиталар дўкони эгаллаганлигини кўриб, руҳим синди. Маърифатни маргаринга алмаштирганимизни ҳазм қилиш қийин, албатта. Кўплаб хорижий давлатларда яхши бир одат бор. Одамлар китоб ёки газета-журнални ўқиб бўлгач, хиёбонда, бекатда ўриндиққа қўйиб кетади. Унинг ўрнига ўтирган бошқа одам ўша наشرни беҳижолат ўқийверади.

Буюк Британияда китоб терапевти деган касб борлиги ҳақида ўқигандим. Бундай мутахассислар китоб ўқитиш орқали руҳий муаммолар қуршовида қолган кишиларни даволаркан.

Мамлакат ривожини таълим асосига қўрган японлардан ҳам ибрат олса арзийди. Улар ҳар куни қирқ дақиқалик вақтини, албатта, мутолаага ажратар экан. Бу одат оилада болаликдан шакллана боради.

Финляндияда сувга чўкаётганда ҳам китоб ўқиётган одамга ҳайкал ўрнатилганига, халқи унчалик бой-бадавлат бўлмаса-да, “Адабиёт ибодатхоналари” бор Вьетнам давлатига ҳавасимиз келади.

Китоб ўқишга қизиқтириш учун ёшларга машина совға қилиш борасидаги бизнинг тажрибамизга бошқа давлатларнинг ҳаваси келармикан, деган савол тез-тез ҳаёлимиздан ўтади...

АЙБДОРМИЗ...

Хуллас, тараққиётни кўзлаган давлат борки, халқини китобга ошно этишнинг турли йўлу усулларини излаётир. Давлатимиз раҳбари ҳам

“...ВАТАННИ СЕВА ОЛИШНИ КИТОБ ЎРГАТАДИ, ОТА-ОНАНИ ХУРМАТ ҚИЛИШНИ, УСТОЗ ЭЪЗОЗИНИ КИТОБГА МЕҲР ҚЎЙГАНЛАР БИЛАДИЛАР. БОЛАЛАРИМИЗ КИТОБГА МЕҲР ҚЎЙМАГАН БЎЛСАЛАР, БУ БИЗНИНГ АЙБИМИЗ...”

деб бекорга таъкидламадилар.

Чунки боламизга китоб ўрнига қимматбаҳо телефон ёки антиқа ўйинчоқлар, ҳатто машиналар совға қилдик. Аммо бир донга китоб совға қилишга ор қилдик. Китобни энг арзон совға деб менсимадик. Боламизнинг китобга меҳрини уйғонмасдан ўчириб юбордик. Китоб ўқимаган одамнинг мурдадан фарқи йўқлигини тан олмадик!

Интернет қаршида соатлаб ўтирадиганлар ғараз ниятли кимсаларнинг домига илинганлар қанчадан-қанча қотилликларга сабаб бўлмоқда. Аммо китоб ўқиган инсон бундай қабихликларга қўл урмаслиги аниқ. Аждодларимиз илм ўрганиш, китоб ўқишга ҳамиша энг муҳим вазифа сифатида қараб қелишган. Қуръони Каримнинг илк нозил бўлган ояти ҳам “Ўқи” амри бўлган. Тарихга назар солсак, Соҳибқирон Амир Темури қайси давлатни ишғол қилса, ўша давлатнинг кутубхонаси билан танишганлигини яхши биламиз. Ўзига ёққан китобларни ҳамиша ёнида олиб юрган, бўш вақти бўлдики, китоб мутолаа қилган. Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино подшоҳнинг қизини даволаб, оёққа турғизгани эвазига сарой кутубхонасидан фойдаланишни сўрагани ҳақида ўқиганмиз.

Бугун барчани ижтимоий тармоқлар ўз домига тортмоқда. Бу беҳуда, мақсадсиз ўтган вақт, қимматли умр дақиқаларини йўқотишнинг бадалини ҳали қай йўсинда тўлашимиз кераклигини англаб етмаяпмиз. Хатолар ва фожияларнинг илдизига ана шу маърифатдан йироқлик сув қуяётганлиги аниқ ҳақиқат.

“ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОШ МУҲАРРИРИ АХРОР АҲМЕДОВНИНГ “ҲЕЧ КИМ ҲЕЧ ҚАЧОН КИТОБ ЎҚИБ ТУРИБ, ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРМАЙДИ. ИНСОН ТЕЛЕВИЗОР КЎРИБ, ВИДЕО КЎРИБ, КОМПЬЮТЕРДАН “ЎРНАК” ОЛИБ, ТЎЙДАН МАСТ-АЛАСТ ХОЛДА ЧИҚИБ, ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРГАН БЎЛИШИ МУМКИН, АММО КИТОБ ЎҚИГАНДАН КЕЙИН ҲЕЧ ҚАЧОН ЖИНОЯТ, ХАТТО ЁМОНЛИК КЎЧАСИГА КИРМАСЛИГИ АНИҚ...”

деган ҳақли фикрлари тез-тез ёдга тушади. Ҳақиқатан ҳам китоб ўқиган одамнинг юрагида ёвузлик бўлмайди...

КИТОБ ЎҚИШ ҲАМ ҚАДРИЯТ

Китоб ўқимаслик касаллики эмас, катта йўқотиш, маънавий таназзул ҳам. Бизни китоб тарбиялаган. Китоб бизни ёмонликлардан асрагани рост. Китоб руҳият даволочисидир. Кўнгилга қайғулар бостириб келганда, оғир ғаму ташвишлар бошга тушганда китоб дардимизга малҳам бўлган. Китобдаги сеvimли қаҳрамонларимиздан иродали, сабр-қаноатли бўлишни ўрганганмиз. Китоб қаҳрамонларининг ҳаёти, муҳаббати, ҳаёли билан яшашга ўрганган авлод қани?

Китоб ўқиш ҳам қадрият. Аммо кейинги йилларда шаҳарлар, туманларда қатор-қатор, қават-қават уйлар, катта-катта маъмурий объектлар қуриляпти. Дорихоналар, савдо дўконлари, тўйхона-ю тантаналар уйларни шунчалик кўп қуриляптики, аммо афсуски, инфратузилмадан китоб дўконлари ёки кутубхоналар жой олганига кўзимиз тушмади. Мана бу статистик маълумотлар эса фикримизнинг исботидир. “2016-2019 йиллар оралиғида китоб ва брошюралар бирлиги 600 тага, уларнинг адади 7 миллион нусхага камайган. 2019-2021 йиллар оралиғида 5 та давлат нашриёти феолияти тугатилган, 14 тасниқни тугатиши режалаштирилган эди”.

Шу кетишда кейинги авлодлар Абдулла Қодирий билан Абдулла Қаҳҳорнинг кимлигини чалкаштиришгина эмас, балки бошқа буюк ёзувчиларимизни, тўғрироғи, ўзлигимизни ҳам унуттиши ҳеч гап эмас. Бу тарихий узилиш эса, миллатимизга қимматга тушиши аниқ!

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири



■ **Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар қатъий белгиланган қоидалар билан тартибга солинган.**

ТАДБИРКОРЛИККА ОИД МУНОСАБАТЛАР

уларни ҳуқуқий тартибга солиш тарихи қандай?

Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва маҳсулотларнинг сифати, уларни сотиш ва сотиб олиш, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш, тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар ўртасидаги ва улар билан мижозлар ўртасидаги низоларни кўриб ҳал қилиш, тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларига тажовуз қилинганда айбдорларни жазолаш билан боғлиқ муносабатларда дастлаб одат нормалари қўлланган. Уларнинг ижросини таъминлашда жамоатчилик назорати, аҳолининг, биринчи навбатда, истеъмолчилар билан мижозларнинг фикр-мулоҳазалари, баҳолари ҳал қилувчи рол ўйнаган. Мижозлар назаридан қолган тадбиркор касодга учраган. Ўз касбининг устаси бўлган тадбиркорларнинг ишлаб чиқарган товар ва маҳсулотлари харидоригр бўлган.

“Авесто”да мулкӣ муносабатларни тартибга солишда нималарга эътибор берилган?

Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши тадбиркорлик муносабатларини ҳуқуқ нормалари билан тартибга солишга замин яратди. Хусусан, Марказий Осиё халқлари ҳуқуқининг илк манбаи бўлган “Авесто”да мулкӣ муносабатларни тартибга солишда аҳдга вафо қилиш, берилган сўз устидан чиқиш, шартнома шартларига оғинмай амал қилиш, олинган қарзни ўз вақтида қайтариш, ўзгаларга етказилган зарарни қоплаш, табиий захираларга оқилона муносабатда бўлиш, тупроқ, ҳаво ва сувни ифлослантиришдан тийилиш, ҳалол меҳнат қилиб ризқ топиш, рўзгор тебратиш, ўзига ва жамиятга моддий фойда келтириш каби етакчи, асос ва таянч тамойилларга амал қилиниши ҳақидаги ғоялар илгари сурилган. Қолаверса, “Авесто”да тадбиркорлик миллий-иқтисодий тараккиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги ҳақидаги ғоя ҳам илгари сурилди. Мазкур китобни чуқур таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда кенг тарқалган ишбилармон-тадбиркорликнинг ўз фаолиятини бошлаб, уни йўлга қўйиб олиши учун кредит олиш-бериш амалиёти ўзининг 3 минг йиллик тарихига эга. Мабдада олинган кредит — қарзни мақсадга мувофиқ ишлаш, бошланган ишни пайсалга солмаслик, қарзга олинган маблағни муомалага киритиш, қарзни қайтаришнинг қафолатлари, уни қайтармаслик оқибатлари ҳақида-

ги қоидалар ҳам ўз аксини топган.

Ислонда тадбиркорлик

Бундан ташқари, юртимизда қарийб ўн уч аср давомида ижтимоий муносабатларни тартибга солган ислом ҳуқуқи манбаларида тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилган. Ислонда тадбиркорлик бирор-бир касб билан шугулланиб, мол-дунё орттириш мақсадида шариятда тақиқланмаган фаолиятни амалга оширишдир. Ислон ҳуқуқи манбаларида ҳалол меҳнат билан топишган ризқни истеъмол қилиш, ҳаром йўллар билан мол топишдан сақланиш, ҳаромни ҳалол ва ақинча ҳалолни ҳаром демаслик, шугулланган касби ва унинг натижасида топган мулк ҳақида ҳисоб беришни ёддан чиқармаслик, жамият ва табиатга зарар етказадиган тадбиркорлик билан шугулланмаслик, тадбиркорлик фаолиятига оид шаръий илмларни эгаллаш, озик-овқат маҳсулотларига шариятда ҳаром деб эълон қилинган нарсаларни қўшишдан сақланиш (масалан, асалга спирт аралаштириш) каби қоидаларга алоҳида эътибор берилган.

“Темур тузуклари”да нима дейилади?

Мамлакатимиз тадбиркорлик ҳуқуқларининг муҳим тарихий манбаларидан бири бу — “Темур тузуклари”дир. Айни асарда тадбиркорлик давлатнинг таянч ва асос устунларидан бири эканлиги

■ ИШБИЛАРМОН МАРДЛИК ВА ШИЖОАТ СОХИБИ БЎЛГАН АЗМИ ҚАТЪИЙ, ТАДБИРКОР ВА ХУШЁР БИР КИШИ МИНГ-МИНГЛАБ, ТАДБИРСИЗ, ЛОҚАЙД КИШИЛАРДАН ЯХШИДИР

дея алоҳида таъкидланган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари савдогарлар, дехқонлар умуман қўл меҳнати билан умргузаронлик қиладиган, рўзгор тебратадиган аҳолининг ночор қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатда тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳақида қатъий қўрсатма берилган. “Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун ҳазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Дехқонлар ва раянтдан қайси бирининг дехқончилик қилишга қурб етмай қолган бўлса, экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқаролардан бирининг уй-иморати бузилиб,

тузатишга қурб етмаса, керакли ускуналарини етказиб бериб, унга ёрдам берилсин”.

“Темур тузуклари”да мамлакат аҳолисини иш билан таъминлашнинг муҳим чораси — қаровсиз ҳароб бўлиб ётган ерларга сув чиқариб, экин экиб, ҳосил олиш, кўприклар қуриш, қарвонлар тўхтаб дам олиши учун манзилгоҳлар қуриш, савдогарларнинг мол-мулкларини турли тажовузлардан муҳофаза қилиш, факир мискинларга лангархоналар ва касалхоналар қуришга ишсизларни жалб қилиш, уларга тегишли шарт-шароит яратиш ва маблағ билан таъминлашга қатъий эътибор берилган.

Амир Темур салтанатида бирор киши ишсиз қолмаслиги, барчанинг бирор иш билан таъминланишининг тегишли чора-тадбирлари кўрилган. Ялқовлар, дангасалар, тиламчилик билан кун кўрувчилар меҳнат қилиб тирикчилик қилишга, оиласини боқиб жалб этилган. Хусусан, китобда шундай дейилган:

■ “БЎЮРДИМКИ ҲАР МАМЛАКАТНИНГ ГАДОЛАРИГА ВАЗИФА ЮКЛАБ ИШ БЕРСИНЛАР, ТОКИ ШУ ЙЎЛ БИЛАН ГАДОЛИК КАСБИ ЙЎҚОТИЛСИН”.

Шайбонийлар ва Ўзбек хонликлари давлатларида ҳам тадбиркорликнинг турли соҳалари, айниқса, дехқончиликнинг ривожлантириш учун қўриқ ерларни ўзлаштириш, уларга сув чиқариш учун каналлар ва ариқлар қазини, эскиларни таъмирлаш, тадбиркорларга солиқ тўлашда имтиёз бериш қабиларга эътибор қаратилган. Булар тўғрисида хонларнинг ўнлаб фармонлари қабул қилинган.

■ Ўрта Осиёдаги мустанлакачиликнинг тадбиркорларга таъсири

Ўрта Осиёда чор Россияси мустанлакачилик тузуми ўрнатилишининг салбий оқибатлари иқтисодиётнинг барча соҳалари билан бир қаторда тадбиркорликни ҳам четлаб ўтмади. Чор ҳукумати тўғридан-тўғри маҳаллий халқларнинг тадбиркорлик фаолиятини чекловчи ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрмагандек кўринади. Аслида бу чоралар ўта усталик билан амалга оширилган эди. Бу ўрта Осиё чор Россияси саноатининг ҳомашё базасига айлантирилиши, ўлкадаги ер усти ва ер ости бойлиқларини казиб олиб қайта ишлаш учун рус саноат қорхоналарига жўнатилиши, хорижий

яқин қўшни давлатлардан аъъанвий тарзда ўлкага кириб келадиган товарларни чеклаш мақсадида уларга юқори бож ставкалари белгиланиши, Ўрта Осиёга рус саноат ва банк капиталининг кириб келишига кенг йўл очилиши, Россия фуқароларига Туркистон генерал-губернаторлиги ва Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлиги ҳудудларида

эркин ҳаракат қилиши, шаҳар ва қишлоқларда савдо омборлари ва дўконлари қуриши, кўчмас мулклар сотиб олиши ҳуқуқининг берилиши, рус шаҳарлари ва қишлоқларидаги ишсиз ҳамда ерсиз фуқароларни кўчириб келиб, улар серхосил ва серсув ерлар билан таъминланиши, рус тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган сифатсиз товарлар ва маҳсулотларни Ўрта Осиё бозорларида сотиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг кўрилишида намойён бўлди.


Туркистон ўлкасида, кейинчалик Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида большевиклар партияси раҳбарлигида Совет ҳокимиятини ўрнатилиши миллий тадбиркорлигимиз тарихида салбий маънодаги туб бурилиш ясади.

Совет ҳокимияти ўрнатилишининг илк онларидан эътиборан хусусий мулкчиликка барҳам бериш, барча ер усти ва ер ости бойлиқларини, ерларни, ўрмонларни, сув захираларини, завод ва фабрикаларни, банкларни, темир йўлларни, почта-телеграфларни, хунармандчилик устхоналарини, темир йўл ва бошқа транспорт воситаларини, савдо масканлари, таълим муассасаларига тегишли мулклар ва бошқаларни миллийлаштириш, яъни давлат мулкига айлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий чоралари кўрилди.

Ўтган асрнинг йигирманчи ва ўттизинчи йилларида ушбу жараён қўлоклаштириш ва қоллективлаштириш никоби остида давом эттирилди. Олтиминчи-саксонинчи йилларга келиб эса барча турдаги товарларни ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш, аҳолига транспорт, алоқа, тиббий, маиший ва бошқа хизматларни кўрсатиш, савдо-сотикни амалга ошириш тўлиғича давлат тасарруфига ўтди. Хусусан, этикдўзлик, соатсозлик, сартарошлик, кўз ойнакларни



Жўрабой ТОШҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтини бўлим бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор



таъмирлаш қабилар ҳам давлат тасарруфига эди. Дўппидўзлар, чопон, кўрпа-ёстиқ тикувчилар, кетмон, чўмич, қапқир, қошиқ ясовчилар, қулоллар, гилам тўкувчилар, кигизчилик фаолияти ҳам давлат томонидан қаттиқ назорат остига олинди.

Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқишда нимага эътибор қаратиш керак?

Мустанлакачилик туфайли юртимизда тадбиркорликнинг турли соҳалари тикланиши ва ривожланишига кенг йўл берилди. Бунинг учун мустанлака ҳуқуқий база яратилди, ўнлаб қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш борасидаги ишлар кизгин тус олди. Шу муносабат билан мазкур кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида юртимизда тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари серқирра ва сермазмун бой тарихига эга эканлигига, ушбу тарих жараёнида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш борасида улкан ва бетакрор тажриба тўпланганлигига, мазкур тажриба ҳозиргача чуқур ва ҳар томонлама илмий тадқиқотлар объекти бўлмаган ва бошқа давлатлар, биринчи навбатда ривожланган давлатлар тажрибаси билан қиёсий ўрганишнинг устувор йўналишига айланиб бораётган бир шароитда ўзимизнинг тарихий тажрибамиз ва хориқ тажрибасини қиёсий илмий ўрганиш натижаларидан ишлаб чиқилган Тадбиркорлик кодекси нормаларини шакллантиришда танқидий фойдаланиш давр талаби эканлиги каби омилларга алоҳида эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ



ФАРМОН БОР, ҚАРОР БОР,
АМАЛ ҚИЛИШ ЙЎҚ

ФУҚАРО Ж.Маҳмуджонов Сергели туман халқ таълими бўлими раҳбарининг 2019 йил 12 декабрдаги буйруғига асосан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш шўбаси методисти лавозимига тайинланиб, у билан иш берувчи ўртасида меҳнат шартномаси тузилган.

Аммо туман халқ таълими бўлими томонидан унга АКТ ходими сифатида 2020 ва 2021 йиллар мобайнида лавозим маошига қўшимча устама тўлаб берилмаган. Бундан норози бўлган методист туман адлия бўлимига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Чунки Президентимизнинг 2018 йил 19 февралдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг тегишли бандига асосан 2018 йил 1 июндан бошлаб давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларига бериладиган ҳар ойлик устама миқдори ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам

бўлмаган миқдорда белгиланиши лозимлиги белгиланган.

Мурожаатни ўрганиш давомида туман халқ таълими бўлими томонидан 2022 йил 19 январда тақдим этилган маълумотларга кўра, ходимга 2020-2021 йилларда жами 52 миллион 803 минг 540 сўм миқдорда қўшимча устама тули тўланиши лозимлиги, бироқ ушбу қарздорлик тўлаб берилмаганлиги маълум бўлди.

Меҳнат кодексининг 154-моддаси биринчи қисмида иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга иш ҳақини бажарган иши учун белгиланган меҳнат ҳақи шартлари муроғат мазкур кодексининг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шартлиги белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақларини ўз вақтида тўланишига доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилот раҳбарлари ходимларга иш ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавоб бериши қайд этилган.

Шунга кўра, қарздор томонидан Ж.Маҳмуджоновнинг иш ҳақидан тўланмай қолган 52 миллион 803 минг 540 сўм миқдордаги қарзни суд тартибидан ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд буйруғига асосан туман халқ таълими бўлимида методистнинг икки йиллик устама ҳақи қарзи ундирилди.

Рустам АБУЛХАЙРОВ,
Сергели туман адлия бўлими бошлиғи

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ПОП туман адлия бўлимига Наманган шаҳридаги "MOBILINE GOLD" масъулияти чекланган жамиятидан ариза келиб тушди. Унда тадбиркор — МЧЖ раҳбари Поп туманида жойлашган Наманган кўприклардан фойдаланиш унитар корхонасидан етказиб берилган маҳсулот ҳақини ундиришда амалий ёрдам сўраган.

ТЕКИН ЛУҚМА
ТОМОҚ ЙИРТАР...



Туман адлия бўлими томонидан мазкур мурожаат ўрганилганда аён бўлдики, 2021 йил 10 декабрда унитар корхона ва жамият ўртасида маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома имзоланган. Шунга биноан "MOBILINE GOLD" МЧЖ Наманган кўприклардан фойдаланиш унитар корхонасига 1 миллиард 427 миллион 863 минг 500 сўмлик битум етказиб берган. Аммо поплик ҳамкор маҳсулот ҳақини тўлаб бермаган. Ушбу ҳақдорлик томонлар ўртасида тузилган солиштирма далолатнома билан ҳам тасдиқланди.

Буни қарангки, Наманган кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси Янгикўрган туманидаги "ESKIOBOD ASL MEVALARI" МЧЖдан ҳам қарздор экан. Яъни, кўприк-созлар бу тадбиркорнинг 2021 йил 3 декабрдаги шартномага биноан етказиб берган 731 миллион 626 минг сўмлик маҳсулоти (битум) ҳақини тўлашмаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, адлия бўлими томонидан ҳар иккала тадбиркорнинг манфаатини кўзлаб, Чуст туманлараро иқтисодий судига даъво аризалари киритилди. Суднинг 2022 йил 11 февралдаги суд буйруқларига асосан қарздордан "MOBILINE GOLD" ҳамда "ESKIOBOD ASL MEVALARI" масъулияти чекланган жамиятлари фойдасига жами 2 миллиард 159 миллион 489 минг 500 сўм маблағ ундириши белгиланди.

Азамат ЖЎРАЕВ,
Поп туман адлия бўлими бошлиғи

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ



ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ
ИНСПЕКТОРЛАРНИНГ
ҲАҚИНИ ТЎЛАБ
БЕРМАГАН

ШАРОФ Рашидов туманидаги 88-сонли умумтаълим мактабига кадрлар бўйича менежер (инспектор) вазифасида ишлаётган А.В.га туман халқ таълими бўлими томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори талабига риоя қилинмасдан, ассосиз равишда паст разряд бўйича ойлик иш ҳақи берилган. Бундан норози бўлган инспектор туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Ўрганиш жараёнида, фуқаро А.В. олий маълумотли бўлса-да, туман ХТБ томонидан унга 7-разряд ўрнига 6-разряд бўйича ойлик иш ҳақи тўланиб, қонунбузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. Шунингдек, туман халқ таълими бўлими томонидан бу каби қонунбузилиш ҳолати яна 73 нафар фуқаронинг мурожаатида ҳам кузатилган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақланган ташкилотларда банд бўлган хизматчиларнинг кенг тарқалган лавозимлари ходимлари айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар"нинг 6-бандига кўра, олий маълумотли инспекторларга ягона тариф сеткаси бўйича 7-разряд, 7-бандига асосан эса олий маълумотли бўлмаган инспекторларга ягона тариф сеткаси бўйича 6-разряд ҳисобидан иш ҳақи тўланиши лозимлиги кўрсатилган.

Мазкур ҳолат бўйича туман адлия бўлими томонидан 73 нафар фуқарога жами 69 миллион 644 минг 352 сўм миқдордаги қўшимча иш ҳақлари тўлаш бўйича туман халқ таълими бўлими раҳбари номига тақдимома киритилди.

Илгоржон РАШИДОВ,
Шароф Рашидов туман адлия бўлими бошлиғи

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

ФУҚАРО С.Избосарованинг фаолият юритиб келаётган иш жойида штат бирлигидан ассосиз равишда 0,5 штат бирлиги олиб қўйилганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаати Нурота туман адлия бўлими томонидан қонун доирасида ўрганиб чиқилди.



ҲАМШИРАНИНГ НОНИНИ ЯРИМТА
ҚИЛИШМОҚЧИМИДИ?

Ўрганиш давомида меҳнатга оид қонунчилик ҳужжатларига зид равишда туман тиббиёт бирлашмасининг шошилинч хирургия бўлими ҳамшираси С.Избосарованинг штат бирлигидан 0,5 штат бирлигини бошқа фуқарога олиб бериш ҳақида тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг 2021 йил 13 ноябрдаги буйруғи қабул қилиниши натижасида С.Избосарованинг меҳнат ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига тақдимома киритилиб, ноқонуний буйруқ бекор қилинди. Ўз ўрнида фуқаронинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

Умиджон СУВОНОВ,
Нурота туман адлия бўлими бошлиғи

БУХОРО ВИЛОЯТИ



ХИЗМАТИ ЁҚАДИ-Ю
ҲАҚИ ЧАҚАДИМИ?

КОГОН туманидаги "Истиқбол" маҳалласида яшовчи фуқаро Р.В. туман сув истеъмолчилари уюшмасида ишлашини, унга 11 ойлик иш ҳақи тўланмай келинаётганлигини маълум қилиб, ойлик иш ҳақи ундирилишида амалий ёрдам сўраб туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Мурожаат ўрганилганда, туман сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан нафақат мурожаат муаллифининг ойлик иш ҳақи, балки, яна 19 нафар ишчи-ҳодимнинг иш ҳақи ҳам 11 ойдан буён тўланмай келинаётганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра "Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ҳақ тўланадиган кун дам олиш кунини ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади" деб кўрсатиб ўтилган.

Мурожаатни ўрганишга Когон туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази мутахассислари жалб қилиниб, фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро су-

дига ариза киритилди ва иш ҳақи тўловларини ундириш бўйича суд буйруғи чиқарилди.

Бундан ташқари, иш ҳақи тўловларининг тўланмаслиги сабабларини ўрганиш жараёнида туман сув истеъмолчилари уюшмасига фермер хўжаликларига кўрсатилган хизмат ҳақлари тўланмаганлиги ҳам аниқланди. "Агробанк" Когон туман филиали, фермер хўжаликлари ва бошқа мутасадди раҳбарлар билан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 200 миллион сўмлик наф маблағлари туман сув истеъмолчилари уюшмаси ҳисоб рақамига туширилиши таъминланди ва мазкур маблағ корхонанинг 20 нафар ишчи-ҳодимларига тенг миқдорда иш ҳақи сифатида тақсимланди.

Ҳабиб ҚОҲҒДИЕВ,
Когон туман адлия бўлими бошлиғи

“16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Низомга мувофиқ 16 ёшгача бўлган ногирон болалар деганда жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож шахслар тушунилади.

Болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган мурожаатларга жавоб:

16 ёшгача бўлган ногирон болаларга НАФАҚА ТўЛАШ

Болаларни ногирон деб топиш

Болаларни ногирон деб топиш уларнинг қонуний вакиллари — ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг доимий яшаш жойидаги туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган тиббий-маслаҳат комиссияси (ТМК) томонидан амалга оширилади.

уларнинг ўрнини босувчи шахслар паспорти бўйича рўйхатда турган жойларда яшамасдан бошқа жойларда ҳам яшашлари мумкин. Мазкур ҳолатда болаларнинг тиббий ҳужжатлари яшаш жойидаги тиббий муассасасидаги ТМКга тақдим этилиб, тиббий хулоса расмийлаштирилади ва паспорт бўйича рўйхатда турган жойидаги ТМК томонидан ҳам тасдиқланади.

Тиббий хулоса қанча муддатга берилади?

Касалликлар ва уларнинг патологик ҳолатларига мувофиқ тиббий хулоса 1 йил муддатга, 2 йил муддатга ёки бир йўла 16 ёшгача бўлган муддатга берилади ва бола 16 ёшга тўлган ойнинг охиригача нафақа тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ногиронлик пенсиялари қонунчилиқда белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга тайинланади.



Ногиронлик гуруҳи қим томонидан аниқланади?

Соғлиғини ёки меҳнат қobiliятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронлиқнинг уч гуруҳи аниқланади.

Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек, ногиронлик бошланган вақт ва ногиронлиқнинг қанча муддатга белгиланиши Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган

улар тўғрисидаги Низом асосида ишловчи тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади.



Ногиронлик пенсияси қачондан тўланади?

Ногиронлик пенсияси — агар ногиронлик белгиланган кундан бошлаб олтимиш кун ичида пенсия сўраб мурожаат этилган бўлса, ТМЭК ногиронлиқни белгиланган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия бутун ногиронлик даври учун тайинланади.

60 ёшдан ошган эркак ва 55 ёшдан ошган аёл ногиронларга — ногиронлик пенсиялари умрбод тайинланади. Бун-

дай тоифадаги ногиронларни қайта тиббий кўрикдан ўтказиш фақат уларнинг аризасига биноан амалга оширилади.

Ногиронлик даврида танаффуслар бўлганда пенсия тўлашни қайта давом эттириш шартлари

Агар ногирон узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда қайта кўрикдан ўтиш учун ТМЭКга бормаган бўлса, унга пенсия тўлаш тўхтатиб қўйилади, у яна ногирон деб тан олинган тақдирда тўхтатиб қўйилган кундан, лекин кўпи билан ўтган бир ойдан бошлаб пенсия тўлаш давом эттирилади.

Узрли сабабга кўра қайта кўрикдан ўтиш муддати ўтказиб юборилганда, агар ТМЭК уни ана шу даврда ногирон бўлган деб топса, пенсия тўлаш тўлов тўхтатиб қўйилган кундан бошлаб то қайта кўрикдан ўтиш кунигача, лекин кўпи билан ўтган уч йил учун давом эттирилади. Бунда ногирон қайта кўрикдан ўтказиш чоғида ногиронлиқнинг бошқа гуруҳига



(юқори ёки паст гуруҳга) ўтказилган бўлса, пенсия кўрсатиб ўтилган вақт учун аввалги гуруҳ бўйича тўланади.

Умумий касаллик оқибатида меҳнат қobiliятини йўқотган ногиронга меҳнат қobiliяти тикланганлиги сабабли пенсия тўлаш тўхтатилган ёки узрсиз сабабларга кўра қайта кўрикдан ўтишга келмаганлиги оқибатида тўхтатиб қўйилган бўлса, у яна ногирон деб тан олинган тақдирда, агар пенсияни тўлаш тўхтатилганидан кейин беш йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, илгари тайинланган пенсияни тўлаш ногиронлик белгиланган кундан бошлаб давом эттирилади. Агар беш йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, пенсия яна умумий асосларда тайинланади.

НОГИРОНЛАРГА ҚЎЙИДАГИ ТУРЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ ЁРДАМ КўРСАТИЛАДИ:



пул тўловлари
(пенсиялар, нафақалар,
бир йўла бериладиган
тўловлар)



транспорт хизматлари
кўрсатиш



тиббий, касбий,
ижтимоий реабилитация
қилиш ва маиший
хизматлар кўрсатиш



дори воситалари билан
таъминлаш



техника воситалари ёки
бошқа воситалар, шу
жумладан автомобиллар,
ўриндиқли аравачалар,
протез-ортопедия
буюмлари, махсус ҳарфли
матбаа нашрлари, овоз
кучайтиргич аппаратлар
ва сигнализаторлар
билан таъминлаш

1 мартдан

2022 йилнинг 28 январида Президентимиз томонидан "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини моддий қўллаб-қувватлаш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.



ИМТИЁЗГА ЭГА ШАХСЛАРГА ОЙЛИК КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛ ТЎЛОВИ ТЎЛАНАДИ

Ижтимоий ҳимоя кенг маънода — аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлаётган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Ижтимоий ҳимоя тор маънода — давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳоли тирикчилик воситалари билан етарли таъминланганлиги туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ҳамжўрлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас, деб белгилаб қўйилган.

Юқоридаги Президент Фармонида кўра, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, кўмакка муҳтож фуқароларга ва ёлғиз кескаларга пул ёрдами кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги "2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони мавзифи имтиёзли тоифадаги шахслар учун уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қонунчилик асосида бериладиган имтиёзлар ўрнига ойлик компенсация пул тўловлари жорий этилди. Унга кўра, 2022 йил 1 мартдан бошлаб:

а) компенсация тўлови, уни олиш ҳуқуқига эга бўлган барча имтиёзли тоифадаги шахсларга, ушбу шахсларнинг пенсия (ижтимоий нафақа) олиши ёки олмаслиги ҳамда меҳнат фаолиятини олиб бориши ёки олиб бормаслигидан қатъи назар тўлаб борилади;

б) ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз шахсларга компенсация тўлови жорий этилади.

Бунда, ижтимоий нафақа олувчи ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз шахслар учун ҳар ойлик компенсация тўлови — пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 45 фоизи миқдорига тўланади;

в) ёши 100 га тўлган ва ундан ошган ижтимоий нафақа олувчи шахслар учун ҳар ой — пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 100 фоизи миқдорига қўшимча тўлов белгиланади.

Бунда, 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар нафақасига ҳар ойда тўланадиган қўшимча тўлов пенсия ва нафақа тайинланган ташкилот орқали республика бюджетни ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Асқар МАМАРАҲИМОВ,
Жиззах вилоят маъмурий суди раиси

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг "Ҳокимнинг ваколатлари" деб номланувчи 25-моддасида, вилоят, туман ва шаҳар ҳокими қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар амалдаги қонунчилик нормаларига зид бўлса, бекор қилиши ва халқ депутатлари Кенгашига қуйи турувчи халқ депутатлари кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритиши қайд этилган.

Бухоро шаҳар ҳокимининг 2020 йил 28 майдаги 564-сонли қарорига нисбатан 2021 йил 10 июлда вилоят прокуратураси томонидан протест келтирилган ва ушбу протест шаҳар ҳокимининг 2021 йил 31 июлдаги 43-2-42-Қ/21-сонли қарори билан қаноатлантирилган.

Аризачи С.Ҳабибов мазкур қарордан норози бўлиб, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилган.

Қонуннинг 18-моддасида маъмурий орган ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши шартлиги, зарурат бўлганда, маъмурий орган манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган далиллар билан чекланмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ташаббуси билан қўшимча далиллар йиғишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Бухоро шаҳар ҳокимининг 2021 йил 31 июлдаги қарорини қабул қилишда юқоридаги қонун талаблари бузилган.

Чунки, 2020 йил 28 майдаги қарор аризачининг манфаатига қабул қилинган бўлса-да, ушбу қарорни бекор қилиш масаласи кўрилишида аризачига барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имконияти берилмаган, ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатлар ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текширилмасдан, фақатгина протестда келтирилган, бирор бир далил билан исботланмаган ҳолатлар ҳокимият томонидан инобатга олиниб, шомша-шошарлик билан қарор қабул қилинган.

ҲОКИМ ҚАРОРИ ЎЗ КУЧИДА ҚОЛДИ, НЕГА?



Юқоридаги Қонуннинг 59-моддаси бешинчи қисмида, манфаатдор шахснинг ҳимоя қилиниши лозим бўлган ҳолларда, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи суд тартибда кўриб чиқиши белгиланган бўлса-да, аризачи Бухоро шаҳар ҳокимининг 2020 йил 28 майдаги 564-сонли қарорига ишониб, қурилиш ишларини амалга оширганлигини инобатга олиб, аризачининг ишончи ҳимоя қилиниши лозимлигидан келиб чиқиб, ҳоким мазкур масалани кўриб чиқишга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда ҳокимнинг қарорини қонуний деб бўлмайд.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддаси иккинчи қисмига асосан, устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлиги ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқлаб, суд қарорини унинг айрим қисмларини ёхуд ҳаракатларни қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади, деб белгиланган.

Биринчи инстанция суди Бу-

хоро шаҳар ҳокимининг 2021 йил 31 июлдаги 43-2-42-Қ/21-сонли қарори қонун талабларига зид равишда чиқарилганлигини, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонун талаблари қўпол равишда бузилганлигини инобатга олиб, Бухоро шаҳар ҳокимининг 2021 йил 31 июлдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиб, асосли хулосага келган.

Шу боис апелляция инстанция суди, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция тартибдаги протестни қаноатлантирмай, рад қилишни лозим топди.

Шаҳар ҳокимининг Бухоро шаҳар "Жўбор" кўчаси ёқасидан Ёшлар меҳнат гузари" комплекси қуриш учун "Ёшлар — келажакимиз" Давлат дастури иштирокчиси С.Ҳабибовга давлат-хусусий шерикчилиги шартларида доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкаси ажратиш тўғрисидаги 2020 йил 28 майда қабул қилинган 564-сонли қарори ўз кучида қолдирилди.

Жалолiddин ҲУСЕНОВ,
Бухоро вилоят маъмурий суди судьяси

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманида яшовчи Н.Юнусова (исм-шарифлари ўзгартирилган) нафсининг қутқусига учиб, аёллик шаънига доғ туширди.

НАФСИМ МЕНИНГ БАЛОДИР...



Гап шундаки, Нигора акциядорлик тижорат "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Сергели филиали универсал кассири вазифасида бинойидек ишлаб келаётганди. Хизмат тақозиси туфайли унинг қўлидан кунига миллион-миллион пул ёки бир неча минг АҚШ доллари ўтарди. Вақт ўтиши билан ана шу пуллар кассирнинг хаёлини ўйради. Оқибатда, у 2020 йил 1 июндан 2021 йил 5 июнга қадар филиалга қарашли валюта айирбошлаш шохобчасидан 17 та ҳолатда банк терминали чекларини икки ёки уч маротаба кўпайтириб ҳамда 36 та ҳолатда хорижий валюта банк карта иштирокисиз сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни банкнинг "IABS" электрон дастурига киритиш йўли билан

69 миллион 705 минг 110 сўм миқдоридидаги 6 минг 661 АҚШ долларины ўзлаштириб юборади.

Н.Юнусова қарасаки, бошланishi чакки эмас. Унинг "иштаҳаси" очилиб кетиб, жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттиради. 2021 йил 14 июндан 17 июлга қадар банк филиалининг бошқа бир валюта айирбошлаш шохобчаси орқали аслида амалда бўлмаган пластик карта рақамларини ҳамда ана шу пластик карталардан хорижий валюта крим қилинганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни "IABS" электрон дастурига киритиб, 343 миллион 765 минг 500 сўм миқдоридидаги 32 минг 250 АҚШ долларины ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилади.

Буни қарангки, энди кассир хоним кўлга киритган пул маблағларини мулкка айлантириш йўли билан қонуний тус бериш тўғрисида бош қотира бошлайди. Шу боис ён-атрофдагиларга гўёки турмуш ўртоғи Ш.Юлчиев номига банкдан имтиёзли кредит олганлигини маълум қилади. Сўнгра хўжайинининг номига 2015 йилда ишлаб чиқарилган "Chevrolet Lacetti-2" русумли автомобилни 9 минг 500 АҚШ доллари сотиб олиб, жиноий даромадларини легаллаштиради. Аммо...

Аммо кўп ўтмай банк филиали маъсуллари иккала валюта айирбошлаш шохобчасида камомат борлигини аниқлашади. Оқибатда уddaбурон кассирга нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улугбек туман суди эса, уни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб, қонуний жазога маҳкум этди. Тергов жараёнида айбдор ўзи келтирган зарарни тўлиқ қоплайди. Шунинг учун суд унга жазо тайинлашда буни инобатга олди.

Муҳаммад КАЮМОВ,
жиноят ишлари бўйича Мирзо Улугбек туман суди судьяси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ҚОЗИЛИК учун асосий дастур бўлиб келаётган бир тарихий ҳужжат бор. Бу ҳужжат “Умар ибн Ҳаттобнинг Абул Мусо Ашъарийга мактуби” дея номланган ва шу ном билан машҳур. Умар розияллоху анҳунинг халифалик даврида Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳу билан бошқарувчи лоятлардан бирида қози бўлган ва Умар розияллоху анҳу Абу мусо Ашъарий розияллоху анҳуга ушбу машҳур мактубни юборган.

Қозилар учун қўлланма

Ушбу мактуб кейинчалик қозилик ишлари учун дастурга айланган. Европа халқлари ҳам уйғониш давридан сўнг қозилик, маҳкама, кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари каби масалаларни Андалусия мусулмонларидан ўрганганидан кейин, Умар розияллоху анҳунинг мактубини ўз тилларига таржима қилиб ўрганишди. Кейинчалик ўқув юртида дурс қилиб ўтилиши йўлга қўйилди.

Қуйида ўша мактубни тақдим этамиз:

Умар ибн Ҳаттобнинг Абу Мусо Ашъарийга мактуби Абул Малих Хузалийдан ривоят қилинади: “Умар ибн Ҳаттоб Абу Мусо Ашъарийга бундай ёзган эди: “Аммо баъд: “Дарҳақиқат, қозилик ишлари маҳкам фарз ва бардавом сунналдир. Қачон сенга бирон ҳужжат келтирилса, уни яхши фаҳмилаб ол. Ҳақ равшан

бўлган ҳолда уни юзага чиқар. Ўтмайдиған ҳақ учун (ўртага тушиб) гапириш манфаат бермайди. Икки тараф орасида юзинг, мажлисинг ва адолатингни бир хил қилгин. Тоинки, сенинг жавринг (ён босишинг)га шараф (томон) таъма қилиб қолмасин ва заиф (томон) сенинг адолатингдан ноумид бўлиб қолмасин. Даъво қилганга ҳужжат келтириш, инкор қилганга эса қасам ичиш лозим бўлади. Мусулмонлар ўртасида сулҳ жоиздир. Магар ҳаромни ҳалол қилган, ҳалолни ҳаром қилган сулҳ жоиз бўлмас. Кеча чиқарган ҳукминг ўзинг уни қайта қўриб, тўғриликка ҳидоят қилиниб (хатосини топиб), сўнгара ҳаққа қайтишингдан ман қилмасин. Чунки, ҳақ қадимийдир. Ҳаққа қайтиш ботилда бардавом бўлишдан кўра яхшидир. Китоб (Қуръон) ва Суннатдан сенга етма-

ган, қалбингни хижил қилган нарсани яхшилаб фаҳмлашга урингин. Бир-бирига мисл ва ўхшаш бўлган нарсаларни яхшилаб таниб ол. Сўнгара ўшанга бинаом бошқа ишларни қиёс қил. Ишларнинг Аллоҳга энг маъбуи ва сенинг наздинда ҳақиқатга энг яқинига қасб қил. Ким ҳужжат келтиришни даъво қиладиган бўлса, унга бу учун етарли вақт бер. Агар у ҳужжат келтирса, ҳаққини олур. Бўлмаса, унинг зиддига ҳужм чиқарсан. Албатта, шундай бўлиши ноаниқликни йўқотувчи ва ўзрни ўлжа қазувчирокдир. Мусулмонлар бир-бирлари учун одилдирлар. Магарам (жинояти учун) ҳад

урилган ёки ёлғон гувоҳлик ила мужарраб (тажрибада ёлғонлиги исбот) бўлган ёки бировнинг уругига ўзини нисбат беришда муттаҳам бўлган кимса бундан мустасно. Албатта, Аллоҳ ички сирларни билишни Ўз зиммасига олган ва сизга ҳужжатларни қайтаргандир. Зинҳор одамлар орасида беҳаловат, заҳри ва озорланувчи бўлма (яъни, ҳукминг сабабли бир томон сенга нафрат, хусумат қилса, таъсирланиб азият чекма). Яна Аллоҳ ажр берадиган ва захираси яхши бўладиган ҳақ жойларда хусуматчилардан ўзингни беркитма. Зеро, ким ўзи билан Аллоҳ орасида ўз

зарарига бўлса ҳам ниятини яхшиласса, Аллоҳ таоло у билан одамлар орасини яхши қилиш қафлатини ўз зиммасига олади. Кимки Аллоҳ биллиб турган нарсани беркитиб, одамлар учун зийнатланса, Аллоҳ уни хунук қилиб қўяди. Шундай экан, Аллоҳ азза ва жалла азалий ризқи ва раҳмат хазинасида ўзгартириб қўйган савоб ҳақида нима дея олар эдинг. Вассалом, Имом До-рактуний “Сунан”ида ривоят қилган.

Демак, ким бўлишидан қатъи назар қози (судья)лик насиб қилган шахс доимий илм олишга, ўз устида ишлашга эътиборли бўлиши лозим.



АДОЛАТЛИ ЖАЗО

БУ ҳикояни узок Шимолда, шўро армиясида ҳарбий хизматни ўтаган украин миллатига мансуб йигит айтиб берган:

Ҳиёнаткор Тўхтамишхонни таъкиб этаётган Амир Темури қўшини Днепр атрофларидаги кенг даштлардан ўтиб, Львов шаҳрига яқинлашди. Ўша даврда бу шаҳарда Сохибқироннинг қўшинига қарши тура оладиган қуч бўлмаган. Ваҳима бошланади. Илгор қисмлар шаҳарга кириб келгач, боёнлар топган-тутганини пешкаш қилиб, жаҳонгирдан шифат сўрашади. У пайтлар Львов кичик шаҳар бўлиб, ёғоч уй (украинча хата) ларнинг томига похол бостирилган экан. Уларнинг бўғотида каптар кўп эди (ҳозир ҳам у шаҳарда каптар мўл).

Таажубки, ўша давр одадига кўра шаҳар аҳли тўлаши керак бўлган ўлпондан Сохибқирон воз кечади. Бунинг ўрнига, ҳар бир хонадондан атиги биттадан... каптар олишга амр этади. Бу галати талабни шу заҳоти бажо келтиришди.

Беҳисоб қўшин шаҳарга зиён етказмай, уч-тўрт кун давомда унинг ёнидан ўтади. Илгор қисмлар эллик-юз чақирим масофага узоқлашиб кетади. Ниҳоят, бир ҳафтадан сўнг қўшин охирида кўч-кўрон ортилган аравалар, чорва ҳамда ҳўжалик хизматчилари ўтаётганида, шаҳар аҳлининг фикри бузилади. “Бу саҳройи босқинчи бизнинг дружинамиздан кўрди. Шу сабабли дурустрок

ўлпон сўрашга ҳам ботина олмади”, деб, дадиллана бошлади. Ҳатто қўшин ортидаги карвонга ҳужум қилиб, бир канча хизматчиларни нобуд этадилар.

Бу нохуш хабар тезда Сохибқиронга етиб боради.

Шундай ҳодиса содир бўлиши мумкинлигини Амир Темури олдиндан сезган эди. Аммо қўшин шаҳардан жуда олислаб кетган, ношукурларни жазолаш учун ортга қайтилса, яна бир ҳафта вақт кетади. Амир Темури шаҳар аҳли берган каптарларни ишга солади. От ёғи шимдирилган матодан узун-узун тасмалар кириб, каптарларни учуришни буюради. От ёғи шимдирилган тасмалар секин ёнар, аммо шамолда ўчмас экан. Ҳар бир каптар ўз маконига, яъни похол томларга бориб қўнади. Шу заҳоти ёнғин чиқиб, тезда бутун шаҳар дахшати олов ичида қолади...

“Шу тарика Амир Темури бизнинг одамларни жазолаган, — дерди украин. — Очиғини айтганда, айб ўзимиздан ўтган. Бизникилар келишувга ҳиёнат қилишган. Буни кечириб бўладими? Адолат Амир Темури томонида бўлган. Ўша давр талабларидан келиб чиқканда, Амир Темури бундан ҳам қаттиқроқ жазони қўлашга ҳақли эди...”

Халифа Ҳорун ар-Рашиднинг барча буйруқ ва фармонлари доим бажо келтирилган, нима ирода қилса, ўша заҳоти муҳайё этиларди. Бу ҳолатда унинг зулмга кириб қолиш эҳтимоли бўлгани учун ўз атрофига ўзини тергаб турувчилар, тўғрилиқни қўрсатувчи улаомларни жамлаган эди. Баҳлул унинг энг яқин дўстарларидан ва доим ҳолидан хабар олиб турадиган кишиларидан бири бўлиб, Ҳорун ар-Рашиднинг тез-тез огоҳлантириб, тергаб турар, салоҳият ва имконидан келиб чиққан ҳолда зулм йўлига кириб қолишдан сақларди.

Ҳорун ар-Рашид ва Баҳлул

... Кунларнинг бирида Баҳлул кийимлари чангга ботган бир аҳволда саройнинг боғида халифага дуч келиб қолди. Халифа ундан сўради:

— Эй Баҳлул, қаердан келяпсан? Баҳлул жавоб берди: — Жаҳаннамдан келмоқдаман, саййидим.

— Яхшиликка бўлсин, нима қилдинг у ерда?

— Нима ҳам қилардим, олов керак бўлиб қолди, шунинг учун борган эдим.

— Ҳўш, келтирдингми?

— Йўқ, келтиролмадим.

— Негача?

— У ерда олов йўқ экан. Жаҳаннамнинг кўрикчиси: “Бу ерда олов

бўлмайди, ҳар ким оловини дунёдан ўзи билан олиб келади”, деди.

Ўйга чўмган халифа сўради:

— Эй Баҳлул, мен бу дунёдан кетаётганимда олов олиб кетмаслигим учун нима қилишни керак, қандай тавсия берасан?

Баҳлул:

— Сен қатта-қатта салоҳиятларга эга қилисан. Эгаллаган лавозиминг гуноҳга, зулмга жуда ҳам яқин. Олов олиб боришга сабаб бўлиши мумкин. Олов олиб кетишни хоҳласанг, қуйидаги учта тавсияни тингла. Буларга содиқ бўлсанг, ўзингни кутқаришинг мумкин.

— Нима экан у уч нарсача?

— Адолат! Адолат! Адолат!

ЭЪЛОН

“ХИМОЯЧИ АБДУЛАЗИЗ ЮЛДАШЕВ” адвокатлик бюроси адвокати Yuldashev Abdullaziz Valentinovich вафот этганлиги муносабати билан унинг адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2022 йил 26 январдаги 8-А-ум сонли буйруғига асосан тугатилди.

“Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобидан

Инсон ва қонун

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рийжатга олинган



Бош муҳаррир

Қўқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Икрамов Музафр Мубаракходжаевич
Токиев Фурият Шомуродович
Юлдашева Шоҳидохон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
қўлғамалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи

Маруса Ҳосилова

Саҳифаловчи- дизайнер

Жасур Тожиев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида теришди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Тиражи — 4050
Буюртма — Г-266

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳос қилинган нархда

1 2 3 4 5

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот марказидан ЯНГИ РАСМИЙ НАШРЛАР!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОДЕКСЛАРИ

2021 йил 1 декабргача бўлган
ўзгартиш ва қўшимчалар билан

- Тили: ўзбек
- Ҳажми: 1-жилд 768 бет,
2-жилд 736 бет
- Формат: 84x108 1/16
- ISBN: 978-9943-7296-3-6
- Муқова: қаттиқ
- Нархи: 240 000 сўм
(ҚҚС билан)



АЁЛЛАРГА ҲУҚУҚИЙ МАДАД — ҚЎЛЛАНМА

Муаллифлар:
Ш.Соатова, Ф.Тожиёв

- Тили: ўзбек
- Ҳажми: 256 бет
- Формат: 84x108 1/32
- ISBN: 978-9943-5622-6-4
- Муқова: юмшоқ
- Нархи: 32 000 сўм
(ҚҚС билан)



ЁШЛАР УЧУН ЮРИДИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

Муаллифлар:
Ш.Бахронов, О.Мадвалиев

- Тили: ўзбек
- Ҳажми: 208 бет
- Формат: 70x100 1/16
- ISBN: 978-9943-5622-8-8
- Муқова: юмшоқ
- Нархи: 32 000 сўм
(ҚҚС билан)



БОЛАЛАР УЧУН ЮРИДИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

Муаллифлар:
Ш.Бахронов, С.Қуროнов

- Тили: ўзбек
- Ҳажми: 160 бет
- Формат: 70x100 1/16
- ISBN: 978-9943-5622-7-1
- Муқова: юмшоқ
- Нархи: 31 000 сўм
(ҚҚС билан)



Аёлга фақат оила ўчоғи, рўзгорнинг кам-кўстини, дастурхоннинг ош-намағини ростлайдиган хилқат сифатида қараш тўғри бўлмайди. У, аввало, жамиятнинг фаол аъзоси. Табиийки, унинг атрофида турли ҳуқуқий чигалликлар мавжуд. Шу маънода ушбу китобда аёлларнинг оилада, таълим, меҳнат фаолиятидаги ва бошқа ҳолатлардаги ҳуқуқлари, бурчлари келтирилган.



Китобда ёшлар ўз ҳуқуқларини ўрганиши учун зарур маълумотлар келтирилган. Энциклопедияни тайёрлашда Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, миллий ва юридик энциклопедиялар, изоҳли луғат, интернет ва бошқа манбалардан кенг фойдаланилган.



Китобда болалар ёшлик чоғиданоқ ўрганиши зарур бўлган ҳуқуқий маълумотлар келтирилган. Хар бир маълумот болалар томонидан яхшироқ ўзлаштирилиши учун суратлар билан бойитилган.



КИТОБЛАРНИ УШБУ QR-КОДНИ
СКАНЕРЛАШ ОРҚАЛИ ҲАМ ХАРИД
КИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНГИЗНИ ОШИРИШГА ШОШИЛИНГ!



Мурожаат учун телефонлар:
+998 71 233 25 65
+998 71 280 55 47



ЖАМИЯТНИ ҚОНУНЛАРГА ЯҚИНЛАШТИРИШ ЭМАС,

ҚОНУНЛАРНИ ЖАМИЯТГА ЯҚИНЛАШТИРИШ ЛОЗИМ!

Меҳнат фаолияти билан машғул бўлган, пенсия ёшига тўлган ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келган аёлларни меҳнат қонунчилигига кўра, иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилиши, яъни улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкинлиги ҳавфи пайдо бўлади. Шундай вазиятлар бўладими, ўз касби, ишига нисбатан меҳри, ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб кишида пенсия олиш ҳуқуқи вужудга келган вақтда ҳам ўз меҳнат фаолиятини яна давом

этиртиси келади, шу билан бирга раҳбарнинг ташаббуси билан меҳнат фаолиятининг тугатилишини хоҳламайди.

Маълумки, ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин. (Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 7-банди)

Бунда ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжудлигига эъти-

бор қаратилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни-нинг 7-моддасига биноан, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи: эркаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Шунга кўра, иш берувчининг ташаббуси билан 55 ёшга тўлган аёл ходимлар билан Меҳнат кодексининг 102-моддаси иккинчи қисми талабларидан келиб чиқиб, камида икки ой олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин бўлади.

Лекин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги Қарори 1-бандига асосан, 2019 йил 1 майдан аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Янги таҳрирда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг

18-моддаси учинчи қисмида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда юқорирок юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади ҳамда қонуннинг 7-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари қонунли ҳужжатлари ҳисобланиши белгиланган.

Кўрииб турибдики, Меҳнат кодексидаги ва “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг тегишли бандлари амалда ва ҳуқуқий қўллашда ному-таъносбликни юзага келтирмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига чиқар экан, жамият-ни қонунларга яқинлаштириш эмас, балки қонунларни жамиятга яқинлаштириш тамойили асосида ишлар таъкиллаштирилса, инсон манфаатлари ҳимояси, аёлларнинг ҳуқуқлари кафолатлари янада мустаҳкамланади.

Шундан келиб чиқиб, амалдаги Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми охириги хатбоши-сида белгиланган “Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври-да ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъ-тилларида бўлган даврда меҳнат

шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш-га йўл қўйилмайди, қорхона бу-тунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно” шаклида баён қилинган банди “Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда на-зарда тутилган таътилларида бўлган даврда ҳамда аёлларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддат-ли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар иш берувчининг та-шаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, қорхона бутунлай ту-гатилган ҳоллар бундан мустасно” шаклида таҳрир қилиниши тақлиф қилинади.

Давлатимиз томонидан белгилан-ган сиёсий-иқтимоий максادلарга эришиш, ҳусусан, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жа-мият ҳаётидаги фаол иштирокчини таъминлаш йўналиши долзарбли-гини инобатга олиб, ушбу шаклида қонунчиликка ўзгартириш кирити-лиши берилган илтифозларнинг му-стаҳкамланишига сабаб бўлади.

Ақбар АХРОРОВ,
Сирдарё вилоят адлия
бошқармаси масъул ходими